

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI**  
**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**  
**TOSHKENT IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA INSTITUTI BUXORO FILIALI**  
**“O'ZDAVYERLOYIHA” ILMIY LOYIHALASH INSTITUTI BUXORO FILIALI**  
**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TABIATNI MUHOFAZA QILISH DAVLAT**  
**QO'MITASINING BUXORO BO'LIMI**

**«SUG'ORMA DEHQONCHILIKDA YER-SUV**  
**RESURSLARIDAN OQILONA FOYDALANISHNING**  
**EKOLOGIK JIHALARI»**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI**  
**MATERIALLARI TO'PLAMI**  
**22-23-aprel**

**2014-YIL “SOG'LOM BOLA YILI”GA BAG'ISHLANADI**

**Buxoro 2014**

**ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯГА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН  
ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ****Ж.Х.Рашидов, У.Э.Холиёров, Ж.П.Қурбонов (ТИМИ)**

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Агар соҳани ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини барпо этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтириш имконини берди.

Шу билан бирга суғорма деҳқончилик салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишга, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини барқарор ўсишига, фермер хўжаликлари даромадининг кўпайиб боришига ҳалақит берувчи жараёнлар ҳам яққол кўзга ташланди. Хусусан, мустақилликка эришган кундан бошлаб 2008 йилга қадар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, яъни 50%дан ортиқ ерлар турли даражада шўр босди, айти пайтда фермер хўжаликларига қаршли суғориладиган ерларнинг 16% фоиздан ортиқроғи қониқарсиз ҳолатга келиб қолди.

Мелиорация соҳасидаги тадбирлар лойиҳалари, шунингдек уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тузилмада комплекс ёндашувнинг йўқлиги сув хўжалиги тузилмалари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг сунъий ишлаши, мелиорация ишлари ҳажмининг камайишига, сизот сувлари сатҳининг кўтарилишга ва минераллашув даражасининг ошиб кетишга сабаб бўлди. Ушбу ҳолатни бартараф этиш, республикамиз олтин фонди бўлган суғориладиган ерларнинг деграляцияга учраши ва оборотдан чиқиб кетиш олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбири тўғрисида”ги 29 октябрь 2007 июлдаги ПФ 3932 сонли фармони қабул қилинди.

Фармонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида 2008-2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи муҳим устувор вазифалари белгилаб берилди:

- мелорация ишларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасида вазифаларни қайта тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини шакллантириш ва амалга оширишга ёндашувни тубдан ўзгартириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш;

- мелиорация шаҳобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқова сувларининг коллектор - дренаж тармоғи орқали нормативга мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шаҳобчаларни сақлаш механизмини сифат жиҳатдан такомиллаштириш;

- лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш.

Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” ташкил этилди.

Жамғарма маблағлари ҳисобига ўтган йилларда “Ўзмелиомашлизинг” компанияси томонидан хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан дастур доирасида сотиб олинган мелиоратив техника, машина ва бошқа механизмлар учун 127,6 млрд сўм ёки умумий сарфланган маблағнинг 17,1 фоизи йўналтирилган. Натижада ушбу маблағлар ҳисобига 1450 дона мелиоратив техника, машина ва бошқа механизациялаш воситалари, шу жумладан 600 дона юкори иш унумига эга бўлган эксковаторлар, 180 дона бульдозерлар, 88 дона автотрейлар харид қилинди.

2008-2012 йиллар давомида Республикамиз бўйича Давлат дастури доирасида жами 451 лойиҳа мелиоратив объектларни куриш ва реконструкция қилиш бўйича амалга оширилган бўлиб, унинг қиймати 246 млрд. 688,2 млн. сўмни ташкил этган. Ушбу сумманинг асосий қисмини шўрланган ерлар ҳажми ва шўрланиш даражаси юқори бўлган вилоятлар, хусусан Хоразм вилояти -10,8%, Сирдарё вилояти -10,3%, Қашқадарё вилояти -11,1%, Бухоро вилояти – 15,7%, Жиззах вилояти -8,4%, Қорақалпоғистон Республикаси -8%, Сурхондарё вилояти -7,5%, Фарғона вилояти -7,9%ни ташкил этган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш алоҳида ўринни эгаллайди. 2008-2012 йилларда ушбу йўналиш бўйича жами 1300 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, унинг умумий қиймати 311 млрд. 804,6 млн. сўмни ташкил этган.

Республикада очик коллектор дренаж тармоқлари ва ёпиқ дренаж тармоқлари барча вилоятларда мавжуд бўлиб, 2008-2012 йилларда жами 62785 километрга тенг бўлган тизимли таъмирлаш тиклаш ишлари олиб борилган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида -7517,9 километр, Фарғона вилоятида - 6156,4 километр, Хоразм вилоятида -6502,2 километр, Тошкент вилоятида – 5884,3 километр, Андижон вилоятида - 5863,3 километр, Бухоро вилоятида - 5790,9 километр, Наманган вилоятида - 4937,3 километр, Сурхондарё вилоятида - 4029,9 километрга тенг бўлган таъмирлаш тиклаш ишлари бажарилган.

Ирригация ва мелиорацияга йўналтирилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун юқоридаги таҳлиллар ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Инвестициялардан самарали фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи ҳар бир сўм сарф қилинган сармоя ҳисобига кўпроқ фойда олиш ҳисобланади. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири хавф- хатарнинг мавжудлигидир. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг бошқа тармоқларга нисбатан хавф- хатарнинг юқорилиги билан ажралиб туради, яъни натижавий кўрсаткичларга (ҳосилдорлик, таннарх, фойда ва бошқалар) об – ҳавонинг, табиий – иқлим шарт - шароитларининг таъсири юқори бўлганлиги боис, башорат кўрсаткичлари ҳақиқий кўрсаткичлардан кескин фарқ қилиши мумкин. Агар инвестициялар узоқ муддатга (7-10 йил) мўлжалланган бўлса, ундан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ёки башорат қилиш хавф-хатари янада юқори бўлади. Шу боис қишлоқ хўжалигига, хусусан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш анча мураккаб ва чуқур илмий – услубий ёндашувни талаб этади.

2. Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг бирқанча усуллари, яъни соф дисконтлашган даромад, даромад индекси, рентабеллик ички меъёри, инвестицияни қоплаш муддати кенг қўлланилади. Аммо ушбу усуллар тармоққа хос хусусиятларни (хусусан, суғорма деҳқончиликка) ўзида акс эттирмайди. Масалан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш асосида қайта тиклаш (унумдорлигини ошириш) ўзаро бир бири билан алоқадор бўлган тадбирлар мажмуни амалга оширишни тақозо этади. Инвестициялар эса айнан ушбу тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади. Шу боис суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланадиган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга ижодий ёндашиш зарур. Аниқроғи, тармоққа хос бўлган тадбирларни ўзида акс этувчи такомиллашган усулни ишлаб чиқиш лозим.

3. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, шўрланиши бўйича амалда қўлланилаётган тупроқ туркумлари бўйича ернинг шўрланиш даражасига қараб ҳосилдорликни йўқотишни аниқлашда катта тафовут бор. Масалан, хлорид сульфат билан шўрланган ерларда 5,1 дан 12,6 центнергача, кучли шўрланган ерларда бу кўрсаткич 12,7 центнердан 27 центнергача бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилмайдиган тадбирларни илмий асослаш учун ерларнинг шўрланиш даражасига қараб, уларни табақалаштиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушбу муаммонинг ечимини топиш учун дастлаб олимлар томонидан ерларни 8-гурухга, аниқроғи – шўрланмаган, шўрланган, кам шўрланган, шўрхок, кучсиз шўрланган, шўрланган, ўрта шўрланган, кучли шўрланган ерларга бўлиб, ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4. Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўп жиҳатдан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга боғлиқ. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари бўйича тузилган ишчи лойиҳа қийматида гидротехника воситаларини лойиҳалаштиришга сарф қилинган харажатлар улуши лойиҳа-кидирув ишларига сарф қилинган умумий харажатларнинг 50 фоизини ташкил этади. Бу босқичда асосан тайёргарлик ишлари олиб борилади ва бир вариантли қарор қабул қилиш билан чекланади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилашга сарфланадиган харажатларни камайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун вақт ҳамда вариантларни кўриб чиқиш учун харажатлар зарур бўлади. Чунки ҳар бир вариантга тегишли техник- иқтисодий кўрсаткичларни, қурилиш қийматини кўриб чиқиш лозим бўлади. Мана шу босқичда иқтисод қилинган харажат қишлоқ хўжалиги учун катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли лойиҳалаштирувчиларни оптимал вариантни топишга фаолиятини қаратиш лозим. Бунинг учун лойиҳани ниҳоясига етказишдан олдин лойиҳачилар таклифига биноан иккитадан кам бўлмаган техник-иқтисодий асосномани эксперт комиссиясида кўриб чиқиш тартибини жорий этмоқ лозим. Кейин лойиҳачилар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид энг самарали вариантни топганлиги учун уларни рағбатлантириш лозим.

5. Инвестициялардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмини давр талабига мос равишда такомиллаштириб бориш, ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишда хорижий инвесторларни жалб қилишнинг мавжуд имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 №2-сонли Фармони.

2. «2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури».

3. Ирригация ва мелиорацияга йўналтирилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини бошқариш. Оралиқ ҳисобот. ТИМИ, 2013 й.

**УДК 330.322:631.115**

### **СУВ ХЎЖАЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**Ж.Х.Рашидов, У.З.Алимов (ТИМИ)**

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришнинг самарали йўналишларидан бири инвестициялардир. Барқарор иқтисодий ўсиш шарт- шароитларни яратишга йўналтирилган йирик кўламидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёнида, айнан инвестицион фаолиятга кўпроқ эътибор қаратилади. Инвестицион фаолликни ошириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш муаммоси иқтисодиётни ислоҳ қилиш нуктаи назардан муҳим ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш муаммоларини ҳал этишда кучли давлат инвестиция сиёсати зарур ва унинг бош вазифаси иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берадиган қулай муҳитни шакллантириш саналади.

Инвестицион сиёсат қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши зарур:

- муайян вақт оралиги учун тегишли инвестиция ҳажми ва таркибини аниқлашга;
- устуворликни танлашга;
- инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга.

Давлатнинг инвестиция соҳасидаги сиёсатидан кўзда тутилган мақсад:

- иқтисодиётни таркибий қайта қуришни таъминлаш;
  - тадбиркорлик ва хусусий инвестицияни рағбатлантириш;
  - қўшимча иш ўринларини яратиш;
  - турли манбалар ҳисобидан инвестиция ресурсларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш;
  - инвестицион мақсадлар учун аҳолининг пул жамғармаларини йиғадиган нодавлат тузилмаларни яратишни рағбатлантириш;
  - ипотека кредитларини ривожлантириш мақсадида ҳуқуқий шарт- шароитлар ва кафолатлар яратиш;
  - инвестиция фаолиятида лизингни ривожлантириш;
  - кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш;
  - инвестиция жараёнларини амалга оширишда имтиёзлар ва тизимини такомиллаштириш;
  - венчур инвестициялашни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш.
- Давлат инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- ҳақиқий фоиз ставкаларини иқтисодийнинг реал секторида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг мувофиқлик даражасига туширишни мувозанатлашган бюджет ва инфляцияни янада пасайтиришни таъмирлаш орқали эришиш;

- мавжуд солиқ тизимини тартибга солиш, соддалаштириш ва таркибий қайта қуриш, шунингдек амортизация сиёсатини такомиллаштириш асосида бозор субъектларининг инвестиция имкониятларини кўриб чиқишни кўзда туғадиган солиқ ислохотларини амалга ошириш;

- корхоналарнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш мақсадида уларни ислох қилиш жараёнини олиб бориш;

- аҳоли жамғармалари, ички ва ташқи инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида инвестицион хавф –хатарларни камайитиришнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини шакллантириш.

- бюджет инвестиция ресурслари самарадорлигини оширишга конкурслар эълон қилиш, устувор инвестиция лойиҳалар бўйича давлат-тижорат кўринишдаги аралаш молиялаштириш, хусусий инвестицияларни давлат томонидан идфоланиш жорий этиш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишни кучайтириш орқали эришиш.

Иқтисодийнинг глобаллашув ва инвестицияларнинг байналминаллашуви шароитида давлат инвестиция сиёсатининг яна бир муҳим тамойили корпоратив муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий компаниялардаги корпоратив бошқарув даражасини халқаро стандартлар даражасига етказиш бўйича шароитлар яратиш саналади.

Мамлакатлар иқтисодийнинг замонавий ривожланиш босқичида минтақавий иқтисодий сиёсат ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Давлат ва минтақанинг инвестицион сиёсати инвестиция жараёни қай йўсинда бораётганига, яъни ялпи ички маҳсулот ва ялпи минтақавий маҳсулотни ишлаб чиқариш иштирокчиларининг ҳар томонлама фаолиятга боғлиқ.

Минтақавий инвестиция сиёсатининг мақсади ва вазифалари, шунингдек шакллари ва уларни амалга ошириш усуллари турли минтақалар бўйича мос келмаслиги мумкин, аммо инвестиция сиёсатини умумий бош мақсад ва вазифалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- инвестицияларни таркибий такомиллаштириш орқали уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш;

- минтақа ва умуман мамлакат иқтисодий учун стратегик аҳамиятга молик устувор ишлаб чиқаришларни кенгайтириш;

- давлат инвестицияларини инвестицион фаоллик “ланомативи”га, иқтисодий таркибий трансформациялашни бошқариш воситасига айлантириш;

- иқтисодий тараққиёт асоси сифатида минтақада қулай инвестиция муҳитини яратиш.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муҳим жараён бўлиб, унда асосий эътибор натижа ва харажатларни таққослашга, яъни пул маблағлари оқимининг кириш ва чиқишга қаратилади. Дастлабки давр лойиҳаларини молиялаштириш учун мўлжалланган йил бўлиши мумкин. Самара олишнинг тўхташ даври ҳисобий даврнинг охири ҳисобланади. Корхоналарда пул маблағлари оқимининг киришига қуйидагилар қиради:

- маҳсулотни сотишдан олган даромад, бажарилган иш қиймати ва кўрсатилган хизмат (қўшилган қиймат солиғи, акциз, бож);

- лойиҳа билан боғлиқ активларни сотишдан олинган даромад;

- интеграл харажатларни камайиш ҳисобига иқтисод қилинган маблағ.

Пул оқимлари чиқимиға қуйидагилар қиради:

- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини инвестициялаш;

- янгиликларни ўзлаштириш жараёнида илмий лойиҳа ташкилотларининг иштироки билан боғлиқ инвестициялар.

- маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ харажатлар;

- солиқ тўловлари;

- бошқа харажатлар.

Пул оқимларининг кирими ва чиқими оддий элементлардан ташкил топган харажат турлари йиғиндисини ўзида акс эттиради. Ҳисоб-китоблар инновацион фаолиятни инвестициялаш бўйича қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, жорий йил баҳосида олиб борилади.

Агар ҳисоб - китоб хорижий валютада олиб борилса, инвестиция самарадорлигини аниқлаш даврдан бошлаб белгиланган курс ёрдамида амалга оширилади.

Пул маблағларининг кирими ва чиқимининг йиллик миқдорини ҳисоблашда, янгиликлардан фойдаланиш туфайли жорий ва капитал харажатларнинг ўсишини инобатга олиш зарур бўлади. Ушбу

кўрсаткич пул оқимининг ўсишини ўзида акс эттиради. Пул оқимининг ўсиши илмий- тадқиқот ишларини олиб бориш ва эришилган натижани жорий этиш ўртасидаги пул оқимларини ташкил этади.

Келтирилган натижа ва харажат бўйича йилнинг бошида амалга оширилади.

Бу дисконтлашган коэффициент ( $a_t$ ) деб номланади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$a_t = \frac{1}{(1+E)^{t-n}} \quad (1)$$

Бу ерда  $E$ -дисконт меъёри;

$t, t_n$ - ҳисоб даврининг жорий ва бошланғич йили

Хўжалик субъектлари даражасида инвестиция самарадорлиги қуйидаги формулада аниқланади:

$$CDD = \sum_{t=n}^T \frac{B_t - K_t - \mathcal{E}_t - H_t}{(1+E)^t} \quad (2)$$

Бу ерда  $B_t$ -олинган фойда;

$K_t$ - капитал маблағлар

$\mathcal{E}_t$ - жорий харажатлар;

$H_t$ - фойдадан тўланган солиқ;

$E$ - дисконт меъёри, бирнинг улуши;

$t$ - йилнинг бошланиши  $t_n = 0$  га тенг.

Маҳсулотларни сотишдан олинган даромадни аниқлашда маҳсулот баҳосини қўшимча қиймат солиғи, акциз, божхона тўловларисиз ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу солиқлар бир йўла бюджетга келиб тушади, корхона молиявий кўрсаткичларига таъсир этмайди.

Рентабеллик ички меъёри ( $r$ ) қуйидагича аниқланади:

$$r = \sum_{t=0}^T \frac{B_t - K_t - \mathcal{E}_t - H_t}{(1+2)^t}, \quad (3)$$

Инвестицияни коплаш муддати ( $T$ ) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_s = \sum_{t=0}^T \frac{B_t - K_t - \mathcal{E}_t - H_t}{(1+E)^t} = \sum_{t=1}^T \frac{K_t}{(1+E)^t}, \quad (4)$$

Даромад индекси ( $DU$ ) қуйидагича аниқланади:

$$DU = \frac{\sum_{t=0}^T \left( \frac{B_t - \mathcal{E}_t - H_t}{(1+E)^t} \right)}{\sum_{t=0}^T \frac{K}{(1+E)^t}}, \quad (5)$$

“Фойда-харажат” коэффициентини ( $K\text{-ф/х}$ ) қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K\text{ф/х} = \frac{\sum_{t=0}^T \frac{B_t}{(1+E)^t}}{\sum_{t=0}^T \frac{K_t + \mathcal{E}_t + H_t}{(1+E)^t}} \quad (6)$$

Таъкидлаш ўринлики, юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлар инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Масалан, соф дисконтлаш пул оқимининг кирими ва чиқими ўртасидаги фарқни ўзида акс эттиради. Агар шундай бўлса, лойиҳани жорий этишдан воз кечиш лозим.

Йирик лойиҳаларни ҳаётга жорий этишда лойиҳанинг ижтимоий кўрсаткичларини, хусусан иш жойларини яратиш, яратилган бир иш жойининг самарадорлигини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

#### Адабиётлар

1. И.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъиат билан давом эттириш. Тошкент. 2013 й.
2. Х.Тошматов, Т.Кушаев, С.Исмайлова. Сув хўжалигида инновация менежменти. ТИМИ, 2008 й.
3. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув кўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.
4. Ирригация ва мелиорацияга йўналтирилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини бошқариш. Оралиқ ҳисобот. ТИМИ. 2013.

<b>Н.М.Муродов, Ш.М.Муродов, А.Муртазоев</b> Такомиллаштирилган чуқурюмшатгичнинг энергетик кўрсаткичларини аниқлаш.....	289
<b>О.С. Вафоева</b> Грунтни намлаб зичлашда сув миқдорини аниқлаш бўйича олинган тадқиқот ва амалий .....	292
<b>Б.С.Мирзаев, Ф.М.Маматов</b> Влагосберегающая технология гребнисто-ступенчатой вспашки и плуг для её осуществления.....	295
<b>Б.Р.Уралов, Э.К.Кан, З.В.Уразмухамедова М.Мирвалиев</b> О повышении эффективности эксплуатации оросительных насосных станции.....	297

### III-SHO'BA.

#### YER RESURSLARINI BOSHQARISH VA ULARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING IQTISODIY JIHATLARI

<b>М.Тўлаганов, М.Сулаймонова</b> Ер ресурсларидан фойдаланишда иқтисодий жиҳатларининг устиворлиги.....	299
<b>О.Бобожонов., Д.Матёқубова</b> Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....	300
<b>Т.Х.Фарманов, Л.Джаниқулова</b> Повышение эффективности использования неорошаемых земель сельскохозяйственного назначения.....	302
<b>Т.Х.Фарманов, А.Ж.Абдуллаев</b> Пути предотвращения деградации земель.....	304
<b>С.Дўстназарова, З.К.Чариева, Ф.А.Бараев</b> Установление эксплуатационных затрат в АВП...	305
<b>Т.М.Карабаева, М.Н.Урманова</b> Замонавий усулда мелиоратив карталарни яратиш.....	307
<b>Ж.Х.Рашидов, У.Э.Холиёров, Ж.П.Қурбонов</b> Ирригация ва мелиорацияга йўналтирилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....	309
<b>Ж.Х.Рашидов, У.З.Алимов</b> Сув хўжалигига йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари.....	311
<b>В.Исақов, А.Отабоев, Ғ.Бердиев, З.Қамбарова</b> Кичик тадбиркорлик объектларининг ер ресурсларига таъсири.....	314
<b>Ш.М.Турдиметов</b> Тупроқ шўрланиш даражасига кўра сабзавот экинлари учун бонитировка коэффициентлари.....	316
<b>И.Ҳайдаров, А.А.Ҳамидов, Ш.Марозиқов, Ж.Муллаев</b> Фарғона водийсида ер ресурсларидан фойдаланишни ҳолати.....	317
<b>Х.Р.Тошов, М.М.Қодирова, Н.Ш.Шадиёва</b> Бухоро вилояти табиий ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш.....	319
<b>Х.Р.Тошов, М.Ф.Қурбонова, Ш.М.Мухаммедов</b> Географик техник тизимлар ва уларни самарали ташкил этиш хусусида.....	320
<b>Х.Мухтаров, М.Қурбанов, Ш.Отажонов</b> Қишлоқ хўжалигида ер ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.....	321
<b>Д.Ш.Явмутов</b> Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳудудларни минтақалаштириш масалалари.....	322
<b>М.Сулайманова, С.Абдуқодирова</b> Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни барқарор ривожлантириш муаммолари.....	324
<b>Z.X.Nafizova, A.M.Muqimov</b> Land management role at protection of land resources.....	326
<b>З.Х.Хафизова</b> Пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланиш .....	328
<b>А.Муқумов, С.Худойберганов</b> Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) .....	329
<b>А.Муқумов, Ф.Садиев</b> Ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ер муносабатларини тартибга солиш механизми сифатида.....	331
<b>У.Хошимов</b> Ер ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва уни такомиллаштириш муаммолари.....	333
<b>С.Ш.Яхшиев, Э.Қ.Каримов</b> Тупроқ унумдорлигини баҳолаш, сақлаш ва ошириш, ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш.....	335
<b>С.Р.Шарипов</b> Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ҳудудини ташкил этиш масалалари.....	337
<b>С.Р.Асатов, Ф.Р.Ҳамидов, Ж.Ж.Пиримов</b> Методы освоение и борьбы с остаточной - пятнистостью засолением почв на орошаемых землях Бухарского оазиса.....	339